



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 6 январь, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 шолдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 3 (12.816)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ;

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматининг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни 2015 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш

ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига қақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервиге олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2015 йилнинг март-апрель ойларига

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервиге бўшатилинсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг Котиби В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2014 йил 26 декабрь

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИНИНГ ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича 22 сайлов округида бўлиб ўтган такрорий овоз бериш яқунлари кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулугбек Абдусаломов 22 сайлов округининг ҳар бирида асосий сайлов натижалари бўйича энг кўп овоз олган икки нафардан депутатликка номзодга такрорий овоз берилганини маълум қилди. Ушбу округларда сайловчилар рўйхатида киритилган 3 миллион 434 минг 345 нафар сайловчида 2 миллион 642 минг 63 нафар сайловчи такрорий овоз беришда иштирок этди. Бу рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 76,9 фоизини ташкил қилди.

Такрорий овоз бериш миллий сайлов қонунчилигининг барча қоидаларига мувофиқ, умумий овоз бериш тартибига асосланган асосида очик ва ошкора ўтказилди. Тегишли округларда депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда сайловда ташвиқоти олиб борди ва бунда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланди. Такрорий овоз беришда сиёсий партияларнинг 5,7 мингдан зиёд кузатувчиси ва ваколатли вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссиясига такдим этилган округ сайлов комиссияларининг такрорий овоз бериш натижалари ҳақидаги баённомалари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 22 нафар депутати рўйхатга олинди. Шу тарихи барча 135 сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови яқунланди.

Шу кун сайловни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов яқунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Брифингда Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов сайлов миллий сайлов қонунчилигида мустақамлаб қўйилган очиклик, ошкоралик ва муқобиллик каби демократик принципларга тўла риоя қилинган ҳолда ўтказилганини қайд этди.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурида кўзда тутилган ташкилий-ҳуқуқий тадбирларнинг изчил амалга оширилгани бунда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Сайловда кампаниясида қонунчиликда белгиланган барча учун мажбурий ва бир хил норма ҳамда талабларга тўлиқ амал қилинди.

Миллий қонунчилигимизга мувофиқ, сиёсий партиялар ва улар томонидан илгари сурилган депутатликка номзодларга сайловда кампанияси, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловда дастурлари мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказиш, сайловда ташвиқотини амалга ошириш учун оммавий ахборот

воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар тақдим этилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси брифинг қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови натижаларига кўра, 150 депутат, жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 52 нафар, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 36 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 27 нафар, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан 20 нафар депутат сайланганини маълум қилди. 15 депутат Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг вакиллари диди. Сайланган 150 депутатнинг 24 нафари хотин-қизлардир.

Сайланган 150 депутатдан 40 нафари илгари Қонунчилик палатаси депутати бўлган. Бу сайланган депутатлар нафақат ўз сайловчиларининг ишончига сазовор бўлгани, балки парламент Қонунчилик палатаси фаолиятида уларнинг ҳаётий тажрибаси ва қонун ижодкорлиги бўйича амалий қўнғималаридан янада самарали фойдаланиш имконини беради.

Оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий кузатувчилар фаолияти сайлов жараёнининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлашга хизмат қилди. Сайлов жараёнини 550 дан ортиқ миллий ва 120 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситаси, жумладан, 180 дан ортиқ интернет-нашр ёритиб борди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ 9 мингдан ортиқ материал эълон қилинди.

5 халқаро ташкилот – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг таъминлаш институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислам ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, 52 хорижий давлатдан 340 дан ортиқ кузатувчи ва депутатликка номзодларни илгари сурган сиёсий партияларнинг 70 мингдан зиёд кузатувчиси ва ваколатли вакили сайловни мониторинг қилиб борди.

Барча бўғиндаги сайлов комиссияларининг ушшоқлик билан мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик ва адолатлик тамойилларига асосланган фаолияти сайловнинг демократик принциплари асосида ўтказилиши, ушбу жараёнда амалдаги қонунчиликка риоя қилинишини таъминлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов халқимиз демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга ошириладиган ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича Ўзбекистон танлаган йўлга содиқлигини яна бир бор намоён этди.

Сардор ТОЖИЕВ, ЎЗА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



14 январь — Ватан ҳимоячилари кун

ОҚИЛБЕКНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни маънан ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар жараёнида ўғил-қизларимизнинг қизиқиш ва интилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш учун замонавий шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи лицейлар давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 22 майда қабул қилинган «Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан ҳарбий академик лицейларга айлантирилди. Ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейи шулардан бири.

Мазкур даргоҳда келажакда Ватан ҳимоячиси бўлишга бел боғлаган ўқувчиларга ўттиз беш нафар тажрибали педагог, йигирмадан зиёд сержант ва офицер тегишли фанлар ва ҳарбий соҳа бўйича таълим-тарбия бермоқда. Лицейга ўқувчиларнинг танлов асосида саралаб олинган таълим муассасалари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик уларнинг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ва ҳарбий хизматга оид билимини янада бойитмоқда.

Лицейда ўқувчиларнинг билим олиши билан бирга, спорт билан шуғулланиши, дам олиши, маданий-маърифий салоҳиятини ошириши учун барча шароит яратилган. Ўн тўрт мингдан ортиқ китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази мавжуд. Компьютерлаштирилган замонавий ўқув хоналари лаборатория асбоб-ускуналари ва кўргазмали материаллар билан жиҳозланган.

Ёшларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун илмий, касбий ва ижодий тўғарақлар, шунингдек, мерганлик, энгил атлетика, кўл жанги, миллий кураш, баскетбол сингари спорт секциялари фаолияти, ҳарбийлаштирилган спорт йўналирини ўтказиш йўлга қўйилган. Спорт зали ва майдонда кўплаб спорт турлари ва чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича машғулотлар ўтказилмоқда.

Лицей ўқувчилари шаҳар ва мамлакат миқёсида ўтказилаётган танлов ҳамда спорт мусобақаларида мунтазам совриндорлар қаторидан жой олиб келмоқда. Мисол учун, ушбу маскан ўқувчилари Баҳриддин Гобов «Энг фаол ёш маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танлови, Абдулазиз Раҳматов эса тарих фани бўйича ўтказилган олимпиаданинг Тошкент шаҳри босқичида биринчи ўринни эгаллади. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида эркин кураш бўйича пойтахтимизда ўтказилган очик чемпионатда лицей ўқувчилари Мирзиёев Ортиқов, Шохбоз Холёров, Алоуддин Ху-

дойбердиев ўз вазн тоифасида голибликни кўлга киритди.

Навоий вилоятининг Хатирчи туманида туғилиб ўсган Шухрат Нарзуллаев лицейнинг фаол, изланувчан ва билимли ўқувчиларидан.

Танлаган касбимни пухта эгаллаш учун хорижий тилларни ўрганиш ва кўл жанги бўйича мунтазам шуғулланишга ҳаракат қилиш, – дейди ЎЗА мухбирига Шухрат. – Мақсадим – олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириб, миллий армиямизнинг етуқ офицери бўлиш.

Лицей директори ўринбосари Ўринбой Бобоевнинг айтишича, мазкур таълим даргоҳига умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган ўқувчилар белгиланган тартибдаги синов имтиҳонларидан ташкил топган танлов асосида қабул қилинади. Ўқувчиликка қабул қилиш ихтисослик фанлари – математика, физика, тарих, она тили ва адабиётдан тест синовлари ҳамда жисмоний тайёргарликни баҳолаш асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 февралда қабул қилинган «Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ҳарбий академик лицейлар битирувчиларига Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ҳамда Давлат божхона қўмитаси тасарруфидидаги олий таълим муассасаларида ўқишга киришда тест синовларидан тўпланиши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 10 фоизи миқдорда қўшимча балл олиш имтиёзи берилиши белгиланган.

Лицейни 2013 йилда тамомлаган кўплаб ўқувчилар ана шу имтиёздан фойдаланган ҳолда юртимиздаги олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари сафига қўшилди. Жорий йилда ҳам улар қаторидан буюролик Файрат Туропов, қашқадарёлик Шохрух Кутлимуродов, пойтахтлик Владислав Ан, Оқилбек Узоқов, сирдарёлик Жавоҳир Шербеков кабилар жой олди. Улар Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик, Жиззах олий ҳарбий авиация, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртлири, Ички ишлар вазирлиги академиясида таҳсилни давом эттирмоқда.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга киришда берилган имтиёз, лицейда олган таълим ва спорт билан мунтазам шуғулланганим кўл келди, – дейди Оқилбек Шербеков. – Танлаган соҳам бўйича етуқ кадр бўлиб, келажакда мамлакатимиз истиклоли, эл-юртимиз тинчлиги ва барқарорлигини янада мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилишни ўзимнинг олий мақсадим деб биламан.

Холмурод САЛИМОВ Аскар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат

XXI сағоси

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона шаҳридаги офицерлар уйида ҳам 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда кенг жамоатчилик вакиллари, шоир ва ёзувчилар, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

● Бухорода вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида фахрийлар ва ёшларнинг учрашуви ўтказилди. Тадбир доирасида бир гуруҳ кексалар ҳамда таълим, бадий ижод, спорт ва бошқа соҳаларда юқори натижаларга эришган ёшлар рағбатлантирилди.

● Наманганда Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб ўтказилган маданий-маърифий тадбирда фахрийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар иштирок этди.

● Жиззах вилояти Мирзачўл туманида нотариал идоранинг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Вилоят адлия бошқармасидан маълум қилишларича, жорий йилда Фориш, Жиззах ва Пахтакор туманларида ҳам нотариал идоралар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари учун янги бинолар қурилади.

ЖАҲОНДА

● Бир гуруҳ халқаро олимлар саратон хасталигининг аксарият турлари инсонларда ҳужайраларнинг тасодифий бўлиниши туфайли юзага келишини аниқлашди. Шу боис улар ушбу хасталикнинг пайдо бўлиши фақат генетика, атроф-муҳит ёки ҳаёт тарзига боғлиқ эмас, деган фикрни илгари суришяпти. Тадқиқот давомида саратоннинг 31 тури бўйича кузатишлар олиб борилди. Яқунда уларнинг учдан икки қисмида ташқи ёки генетик таъсирлар йўқлиги маълум бўлди.

● Жаҳон хомашё биржаларида ўтказилган сўнги савдолар чоғида нефть нархи сезиларли даражада пасайди. Хусусан, Лондондаги «ICE» биржасида «Brent» типидagi «қора олтин»нинг бир баррели 55,26, Нью-Йорк хомашё биржасида эса «WTI» маркали нефтнинг шунча миқдордагиси 51, 92 АҚШ долларига баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 2015 йил 4 январь куни 22 та сайлов округида ўтказилган такрорий овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомаларига асосан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-модда-

си, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 11, 44, 45, 48, 49-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси қарор қилади: 1.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов округларида сайланган 22 нафар депутат иловага мувофиқ рўйхатга олинсин. 2.Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси Раиси **М.АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 5 январь

Иловадан

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Тошкент шаҳридаги сайлов округидан такрорий овоз бериш натижасида сайланган депутат

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Депутатнинг номзодини кўрсатган органнинг номи, партияга мансублиги	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1	Хусанова Мухтабар Акбаровна	1983	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, партиясиз	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	124-Октепа сайлов округи

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

2015 йил 5 январь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда жорий йилнинг 4 январидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 60-Ракат сайлов округида бўлиб ўтган такрорий овоз бериш яқунлари кўриб чиқилди.

Маълумки, 21 декабрь куни шаҳар Кенгаши депутатлигига бўлиб ўтган сайловларда Яққасарой туманидаги 60-Ракат сайлов округи бўйича рўйхатга олинган номзодлар етарли даражада овоз олмаганлиги боис, ушбу округ ҳудудида жойлашган

12 та сайлов участкасида такрорий сайлов ўтказилиши белгиланган эди.

Йиғилишда, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 60-Ракат сайлов округида бўлиб ўтган қайта овоз бериш жараёнида умумий сайловчиларнинг 58,9 фоизи қатнашганлиги таъкидланди.

Шаҳар сайлов комиссияси сайлов яқунлари тўғрисидаги округ сайлов комиссиясининг баённомасига асосан «Халқ депутатлари вилоят, туман

ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 42, 45 ва 46-моддаларига мувофиқ, сайловчиларнинг кўп овозини олган Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси аъзоси, Яққасарой тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси **Муhiba Зафаровна Мирсаидова** халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига депутат этиб рўйхатга олинди.

Йиғилишда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сайловларни ёритиш бўйича Тошкент шаҳар матбуот маркази

Давлат рамзлари Ватанимиз суверенитети, халқимизнинг орзу-истаклари, эзгу интилишлари ва порлоқ келажаги тимсолларидир. Уларни ҳурмат қилиш ҳамда қонунга мувофиқ ўз ўрнида фойдаланиш зарур.

2010 йил 24 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунга кўра Ўзбекистоннинг давлат байроғи ва герби давлат органлари ва ташкилотларининг бинолари, мажлислар заллари, хизмат хоналари, жамоат жойлари, хорижий давлатларнинг расмий делегациялари ташрифи муносабати билан Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий тузилмаларида кўтарилиши ва жойлаштирилиши белгиланган. Давлат байроғи ва герби элементларидан нодавлат ташкилотлар ҳужжатларининг реkvизитлари ёки реклама материалларида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шу мақсадга хизмат қилмоқда. Мазкур қарорда «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» номларидан, шунингдек, улардан ҳосила сўзлардан ўз номлари ва рамзларида фойдаланиш ҳуқуқига эга юридик шахслар белгиланган. Булар тоифасига Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ташкил этиладиган ёки фаолиятини ташкил этиш амалга ошириладиган юридик шахслар киради. Шунингдек, давлат органлари ва республика аҳамиятига молик ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган

ДАВЛАТ НОМИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Худди шу каби давлатнинг расмий номидан фойдаланишнинг ҳам ўзига хос ҳуқуқий асослари мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 46-моддасида юридик шахснинг номига тўла ёки қисқартирилган расмий номни (давлатнинг номини) киритишга, юридик шахс ҳужжатларининг реkvизитларига ёки реклама материалларига ана шундай номни ёхуд давлат рамзлари элементларини қўшишга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган тартибда йўл қўйилади.

Пойтахтимизда юридик шахсларнинг номлари ва рамзларида давлатнинг расмий номидан фойдаланишга оид тартиб-қоидаларга бағишлаб ўтказилган семинарда шулар ҳақида фикр юритилди. Тошкент вилояти адлия бўлими Миллий тикланиш демократик партияси аъзоси, Яққасарой тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси **Муhiba Зафаровна Мирсаидова** халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига депутат этиб рўйхатга олинди.

Йиғилишда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сайловларни ёритиш бўйича Тошкент шаҳар матбуот маркази

давлат унитар корхоналари ва давлат муассасалари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, республика аҳамиятига эга бўлган бирлашмалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, номларида бош ташкилотнинг тўлиқ номи кўрсатиладиган уларнинг алоҳида бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилган мурожаатлари асосида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳам бу ҳуқуқдан фойдаланади.

Қарор талабларини амалда таъминлаш мақсадида Юридик шахсларнинг номига давлатнинг расмий номини, шунингдек, ундан ҳосила сўзларни қўшиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома ишлаб чиқилди. Унда давлатнинг расмий номини, шунингдек, ундан ҳосила сўзларни қўшиш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг адлия органларига мурожаат этиши тартиби ва муддатлари белгиланди.

Тадбирда мазкур қарор мазмун-моҳияти, йўриқномадан фойдаланиш тартиби бўйича батафсил тушунтириш берилди.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири

Инсон ҳаётда адашиши, хато қилиши мумкин. Уларни кечирини, гуноҳидан ўтиш халқимизга қос фазилат. Шу жиҳатдан бир-бирининг қувончига шерик бўлиш, муқаббатига қайғуриш, адашиб хато қадам қўйганларни тўғри йўлга солиш, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши учун кўмаклашиш эзгу фазилат ҳисобланади.

Бу борада жамият ҳаётининг энг улғу саналаридан бўлиши Мустақиллик байрами ва Конституциямиз қабул қилинган кунларда қабул қилиниши анъанага айланиб қолган амнистия актининг эълон қилиниши ва унинг ҳаётга татбиқ этилиши алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда.

Узининг юридик табиатига кўра, амнистия умумий афв этиш акти сифатида олий давлат ҳокимияти органи томонидан айрим шахсларни жазодан озод қилиш, жиноят ишини тугатиш ёки жазони енгиллаштириш ҳақида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Ушбу ҳужжат том маънода сиёсий-ҳуқуқий мавқега эга бўлиб, жамиятимиз ҳаётининг ажодларимизга хос бўлган ўзаро ҳамжиҳатликда ва муросяо мадора тамойилларига асосланган тараққиётга ўзининг ҳиссасини қўшмоқда. Зеро, мазкур ҳужжат нафақат демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг устувор йўналишларини, балки халқимизнинг минг йиллар давомида асраб-авайлаб келаётган қадриятларини, бағрикенглик ва мурувват каби олий фазилатларини ҳам ўзида ифода этади.

Амнистия актини қўллаш асосида хато қилган ва уларни тушуниб етиб, ўз қилмишидан пушаймон бўлганларга нисбатан ҳаётларини тўғри йўлга солиш учун имкон яратилади. Шу боис амнистия актига фақатгина маҳкумни ёки жиноятни содир этган шахсни жазодан озод этишни кўзда тутувчи ҳужжат сифатида баҳо бермаслик керак. У жазодан озод этилган шахсининг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишида ҳам муҳим роль ўйнайди. Чу-

нончи, амнистияга биноан жазодан озод этилган шахсларнинг ижтимоий кўникмаси ва ҳимоясига оид комплекс чора-тадбирлар ҳам амалга оширилади.

Бир сўз билан айтганда, амнистия актини қўллашни ғайриқонуний ҳаракатлар содир этган

Учинчидан, суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб жазонинг тегишли қисмини ўтаган маҳкумларнинг жазодан озод қилиниши;

Тўртинчидан, тегишли жиноят содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларни жазодан озод қилиниши;

Бешинчидан, жиноятлар тўғрисидаги барча ишларнинг иш юритишда тугатилиши.

Гувоҳи бўлганимиздек, амнистия тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши мамлакатимизда амалга ошириладиган инсонпарварлик принципнинг яққол ифодаси бўлиб, ушбу қарорнинг қабул қилиниши;

Биринчидан, шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиний таъовузлардан қўриқлаш, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни Конституция ва қонунарга риоя қилиш руҳида тарбиялашга;

Иккинчидан, маҳкуми ахлоқдан тузатиш, унинг жиний фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкумини, шунингдек, бошқа шахсларнинг янги жиноят содир этишининг олдини олишга;

Учинчидан, одиллик принципининг намоён бўлишига хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, амнистия актини қабул қилишдан асосий мақсад Конституциямизнинг муқаддимасида белгиланган инсонпарварлик гоғларига содиқликни намоён этган ҳолда билиб-билмай, адашиб жиноят содир қилган фуқароларни кечириб, уларнинг янги ҳаёт бошлашларига имконият бериш ҳисобланади.

Тимур НОРМУХАМЕДОВ, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

Қарор ва ижро

АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ИФОДА ЭТАДИ

жиноят процесси иштирокчиларидан бири бўлмиш гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчи учун маълум имконият ва енгилликлар туғдириш мажмуаси, десак муболага бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ 2014 йилнинг 14 ноябрда Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йиғирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Амнистия тўғрисидаги ушбу қарор жиноят содир этган шахсларга нисбатан куйидаги имтиёزلарни назарда тутди:

Биринчидан, суд ҳукми билан жазо тайинланган ёки жазони ижро этаётган маҳкумларни жазодан бутунлай озод қилиниши;

Иккинчидан, жиноят содир этган шахсларни жазодан озод қилиниши;

Сергели тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

СЕРГЕЛИ ТУМАНИНИНГ 2015 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 31 декабрь, 52-(1)-сон) 28, 99-моддалари, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги СК-453-II-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПК-2270-сонли қарори («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2014 йил 15 декабрь, 50-сон, 590-модда), халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2014 йил 10 декабрдаги «Тошкент шаҳрининг 2015 йилги маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида»ги 334/4-40-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 23 декабрдаги 1053-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ва туман молия бўлимининг 2014 йил 25 декабрдаги 01/02-57-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 23 декабрдаги «Тошкент шаҳрининг 2015 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1053-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар: Сергели туманининг 2015 йилги маҳаллий бюджетининг асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

Умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар мезъёрлари 2-иловага мувофиқ;

Туман маҳаллий бюджетининг 2015 йил учун айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Сергели туман маҳаллий бюджетининг 2015 йил учун аниқлаштирилган асосий параметрлари куйидаги миқдорларда тасдиқлансин:

даромадлар – 72 574 395,0 минг сўм; харажатлар – 72 574 395,0 минг сўм.

4. Туман ҳокимлиги молия бўлимига 2015 молия йили давомида:

туман маҳаллий бюджетининг даромадлари ва харажатлар қисмига ўзгартиришлар киритиш туман ҳокимлигининг молия бўлими тақдимномасига кўра туман ҳокимининг қарори асосида амалга оширилсин.

5. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (С.Имомназаров) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Компьютерлаштириш маркази» ДУКнинг Сергели туман тармоқ администратори (Р.Ғалиев):

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида мазкур қарорнинг расмий эълон қилиниши ва sergeli.poytaxt.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Туман ҳокимининг 2013 йил 31 декабрь кундаги «Сергели туманининг 2014 йилги маҳаллий бюджет параметрлари тўғрисида»ги 796-қ-сонли қарори ўз кучини йўқотади.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Кучкарёв ва туман ҳокимининг ўринбосари Б.Шамуратов зиммаларига юклансин.

Сергели тумани ҳокими Ф.Мақсудходжаев

2014 йил 29 декабрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Хотин-қизлар қўмитаси ва қатор ҳамкор ташкилотлар билан соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни муқтаил оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳамда эрта никоҳнинг салбий оқибатлари тарғиботи янада кучайтириш борасида чора-тадбирлар белгиланиб, ишчи гуруҳи шакллантирилган.

Учтепа туманидаги 8 та касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, 32 та умумтаълим мактаблари, 53 та маҳалла фуқаролар йиғинларида эрта туғруқлар ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишлари ташкил этилди.

Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда эрта туғруқ ва эрта никоҳларнинг олдини олиш борасида амалга ошириладиган ишларни кучайтириш мақсадида «Оила, маҳалла, таълим муассасаси, ички ишлар ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг масъулиятини ошириш» мавзусида маҳалла маслаҳатчилари, умумтаълим мактаблари раҳбарлари, оилавий поликлиника шифокорлари иштирокида семинар ўтказилиб, аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги тизимини кучайтириш мақсадида тумандаги 53 та маҳаллаларда бешта жамоатчилик секторлари фаолияти ташкил этилиб, «Саломатлик» секторида маҳалла ва оилавий поликлиника ҳамкорлиги, «Таълим-тарбия» секторида маҳалла ва таълим муассасасининг ҳамкорлиги тизими йўлга қўйилди.

Ишчи гуруҳлар томонидан барча маҳаллаларда, таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда ёшлар орасида эрта турмушнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишлари натижасида ота-оналар томонидан никоҳ ёшига етмаган фарзандни эрта турмушга беришга уринаётган тўртта ҳолат аниқланиб, тушунтириш ишлари олиб борилиб, эрта никоҳнинг олди олинди.

Қайд қилиш жоизки, йиғит ва қизларни оила қуришга руҳий ва маънавий жиҳатдан тайёрлашда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда, тумандаги таълим муассасалари ва маҳаллаларда «Ораста қизлар» давраси тўғраклари ташкил этилиб, ягона режа асосида ҳафтанинг пайшанба кунлари тўғрақ фаолияти йўлга қўйилди. Бундан ташқари «Кўкча оқтепа» маҳалласида «Ораста ёшлар» маркази ташкил этилиб, марказнинг асосий мақсади маҳаллаларда истикомат қилувчи ёшларнинг сиёсий, маънавий, тиббий маданиятини ошириш, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан дахлдорлик тўғрисида шакллантириш, турли салбий ҳолатларга қарши курашиш-

да етакчи куч сифатида қарши тура олишга тайёр бўлиб бориш каби йўналишларда амалга оширилган ишлар бирма-бир кўриб чиқилди, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан турли таклифлар билдирилди.

«Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она» қадрияти мазмун-моҳиятини маҳаллалардаги тенгдошлар орасида тушунтириш ва бу қадриятни кундалик ҳаётга синдириш борасида марказ ёшлари томонидан семинар-тренинглари ўтказилди. Ушбу тренингларида 450 дан ортиқ ёшлар қамраб олинди.

Туманларда

ЁШЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЭРТАСИ ЙЎЛИДА

Ёшларда юксак маънавий фазилатлар, шу жумладан катталарга ҳурмат, ёшларга ғамхўрлик, эзгулик ва инсонийлик, меҳрибонлик ва бағрикенглик, Ватани ва халқига садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадида маҳаллаларда «Оталар мактаби», «Оналар мактаби» семинар ва тренинглари ташкил этиш дастурлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта турмуш қуриш ва ажримларнинг олдини олиш борасида тумандаги Бекобод маҳалласида «Бир оила барпо бўлгунча» номли анжуман ташкил этилди. Машғулотда намунали қайноталар, намунали қайноналар, бир йил турмуш қурган ёш оилалар, 15-16 ёшли қизлар ва ўспирин йиғитлар иштирок этди.

Бугунги ёшларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, уларга буюк аجدодларимиз ўғитларини синдириш, бу борада биринчи навбатда оилалардаги таълим-тарбияда ота-оналарнинг масъулиятини оширишимиз зарур. Мактабларда, академик лицей ва касб-хунар коллежларида бошланғич хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кучайтириш, қизларга оналардек меҳрибон ва ғамхўрлик қўрсата оладиган жонқуяр аёлларни жалб этишимиз, академик лицей ёки касб-хунар коллежларида, ҳар бир қиз болани алоҳида назоратта олишимиз, биророрта қиз боланинг вояга етмасдан турмушга чиқишига йўл қўймаслигимиз шарт. Бу борада маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари, «Камолот» ЕИХ, Маънавият ва маърифат маркази қўлини қўлиб бериш ишлашимиз зарур.

Бугунги кунда Учтепа туманида аҳолининг 30 фоизини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Шундан кел-

иб чиқиб айтганда, 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаган болаларни тарбиялаш алоҳида эътиборни талаб қилувчи энг долзарб масала бўлиб, уларнинг хулқ-атворини, ўқиши ёки ишини, бўш вақтини қимлар билан ўтказишни ҳар томонлама ўрганиш, тўғри йўлдан адашиб қолиш ҳолатлари юз бериш эҳтимоли сезилиши биланоқ бунинг олдини олиш чораларини кўриш — ҳар бир оила, таълим муассасасининг кун тартибидидаги биринчи вазифадир.

2013-2014 ўқув йилида туманда 4407 нафар фарзандларимиз 9-синфни тамомлаб, ўзлари танлаган хунар ва қизиқишларига асосан таълимнинг кейинги босқичига, ўрта-махсус касб-хунар коллежи ва академик лицейларга жалб этилди.

Ўқувчи-ёшларни, айниқса қиз болаларни спортга жалб этиш борасида туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, хотин-қизлар қўмитаси томонидан қўша режа тасдиқланди. Маҳаллалар ва таълим муассасаларида ўқувчи-ёшлар учун 28 та фан тўғрақлари, 98 та спорт секциялари ташкил этилган. 48 минг 650 нафар ўқувчи-ёшлар, шундан 23 минг 500 нафар қизлар маҳаллалар ҳудудидаги уста-хунармандларга бириктирилиб, касб-хунарга ўргатилмоқда. Учтепа туманида 185 спорт майдончалари, 60 та спорт зали, 6 та сузиш ҳавзаси, 32 та футбол майдончалари мавжуд бўлиб 28 та спорт турлари бўйича 48 минг 650 нафар болалар, шундан 23

минг 500 таси қизлар тўғрақнинг 28 турига жалб этилган. Тумандаги «Ватан» маҳалласида кўп миллатли (рус, қозоқ, ўзбек, қирғиз, тожик ва ҳ.э) ташкил топган «Байналмилал» маркази мавжуд бўлиб, бир неча йиллардан буён туман миқёсида ўтказиб келинаётган тадбирларда ўзларининг кўшиқ ва рақслари билан иштирок этиб келмоқдалар.

Тумандаги касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг 10 мингдан ортиқ қизлари спорт тўғрақларига жалб этилди. Қизларимизга яратилган шарт-шароитлар натижасида спортнинг бадий гимнастика, гимнастрада, синхрон сузиш ва бошқа йўналишлари бўйича Осиё, жаҳон чемпионолари сонининг ортиб бориши, турли жаҳон миқёсидаги кўриқ-танловларда бир қатор қизларимизнинг мусиқа санъати йўналишидаги ютуқлари барчамизни қувонтирди.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан ойма-ой мониторинг қилиниб, фақатгина Хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла маслаҳатчилари ҳамкорлигида 85 нафар аёл ишга жойлаштирилди.

Бугунги шиддат билан ривожланиётган даврда оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишда ҳар биримиздан фидойилик, ташаббускорлик ва масъулият талаб этилади.

Мактуба АРИПОВА, Учтепа тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси

БИОЛОГИК УСУЛ САМАРАЛАРИ

Тошкент давлат аграр университетидида «Қишлоқ хўжалиги экинларининг турли зараркунандалари, касалликлар ва бегона ўтларга қарши уйғун ҳолатда курашишнинг аҳамияти» мавзусида ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Анжуманда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинларига биологик ишлов беришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Хусусан, 2004 йилда 1,6 миллион гектар майдонга биологик усулда ишлов берилган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 2,3 миллион гектарга етди.

Ўсимлик зараркунандаларига қарши биологик кураш қулай ва самарали бўлиб, экологик тоза маҳсулот етиштиришда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, атроф-муҳит, инсонлар ва жонотлар учун мутлақо безарар бўлган биологик кураш усулини қўллаш туфайли ўзага жиддий зарар етказадиган кузги тунлам ва қарадринна каби зараркунандалар тарқалишига йўл қўйилмапти.

Жорий йилда мамлакатимизда биологик курашнинг 730 га етиб, уларда 10 минг 418 килограмм трихогарма, 5061,5 миллион бракон, 6536,8 миллион олтинкўз кўпайтирилди. Кейинги уч йилда етмишдан ортиқ янги биологик кураш ташкил этилиб, саксондан зиёд лабораторияга янги линиялар ўрнатилди. Биомасхулотларни кўпайтириш, далага тарқатиш тартиби ва тизими жорий қилинди. Бу ўза зараркунандаларига қарши кимёвий ишлов берилмайдиган майдонлар йил сайин қисқариб боришини таъминламоқда.

Айни вақтда биологик усулни ривожлантириш борасидаги илмий изланишларнинг натижалари амалиётга кенг жорий этилмоқда. Галла майдонларидаги зарарли хасвага қарши теленомус фойдали ҳашаротини қўллаш, айрим зарарли организмларга қарши микробиологик препаратларни жорий этиш борасидаги изланишлар давом этмоқда. Бу атроф-муҳит мусаффолигини ва инсон саломатлигини асрашга хизмат қилади.

Ўқув-семинар давомида қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, замбуруғ, бактерия ва вирус асосидаги микробиологик ҳимоя воситалари ва уларни амалиётда қўллаш усуллари, боғ ва тоқзорлар, сабзавот, полиз экинлари зараркунандалари ҳамда касалликларига қарши самарали курашиш, ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомни мониторингини ташкил қилиш самарадорлигини ошириш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

С.ШОЕВА, ЎЗА МУХБИРИ



Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида «Табият ва рассом» номли анъанавий бадий кўрғазма очилди.

ТАБИАТ ВА РАССОМ

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида тасвирий санъатни ривожлантириш, айниқса, ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

— Мусаввир Ватани ва халқига бўлган меҳр-мухаббатини ўз асарларида юксак бадий воситалар орқали ифода этади, — дейди

Ўзбекистон Бадий академияси Халқаро маданият қарвон саройи ходими Гавҳар Саодатова. — Бу галлери кўрғазмадан ўрин олган асарларда юртимиз табияти, тарихий-меъморий обидалар, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимизни қиёфаси ўз ифодасини топган. Кўрғазмада таниқли рассомлар билан бирга ёш мўйқалам соҳибларининг рангтаъсир, графика ва

ҳайкалтарошликка оид уч юздан ортиқ ижодий иши намойиш этилмоқда. Уларда жонжон Ватанимизнинг мафтункор табияти, бунёдкор халқимизнинг қиёфаси турли йўналиш ва услубларда акс этган. Кўрғазма 2015 йил 20 январга қадар давом этади.

Ф.ИБОДОВА, ЎЗА МУХБИРИ Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

Таълим

БИЛИМЛАР БЕЛЛАШУВИ

Сергели туманидаги 300-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабидида I босқич «Билимлар беллашуви» кўтаринки руҳда ўтди.

Дастлаб беллашувнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Сўнгра мактабнинг билимга ташна, қобилиятли ва иқтидорли ўқувчилари ўзлари қизиққан йўналишлар бўйича иқтидор-кучларини синашга шай ҳолда маҳоратларини кўрсатдилар.

— Ўқувчиларнинг қобилият ва иқтидорли эканлиги куйи синфларда аниқланади ва ривожлантирилади, — дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Муқаддас Солиҳова. — Бу бел-

лашув ўқувчилар ўртасида соғлом рақобатни шакллантиради ва уларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини оширади.

Мактабда ўтказилган «Билимлар беллашуви»да 5-8-синф ўқувчилари ўзаро куч синашдилар. Улар орасидан энг кучлилари II босқич туман «Билимлар беллашуви»да иштирок этиш учун йўлланма олишди.

Д.ХАЙДАРОВА, 300-мактаб ўқитувчиси

Шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан

Ўқув машқлари ўтказилди

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан пойтахт ҳудудида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш ва фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг куйи бўғинлари ҳаракатлари ўз вақтида мувофиқлаштириб борилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг 2014 йил 7 ноябрдаги буйруғи ва Тошкент шаҳар ҳокими — Фуқаро муҳофазаси бошлигининг 2014 йил 12 ноябрдаги буйруғига асосан, Юнусобод туманида «Куз-қиш мавсумида кўп қаватли уй-жой фонди ва ижтимоий объектларда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда туман ФВДТ куйи тизими хизматлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бошқарув компаниялар куч ва воситаларининг ҳаракатлари» мавзусида кўмондонлик-штаб ўқув машқи ўтказилди.

Ўқув машқи ўтказишдан асосий мақсад иқтисодиёт тармоқлари, кўп қаватли уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини яхшилаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ҳудудларнинг тозаланиши сақлаш ва аниқланган камчиликларни бартараф этишдан иборатдир.

Тўрт босқичда ўтказилган тадбирда Юнусобод туман бошқарув органлари ва раҳбарлар таркибига улар томонидан фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси тадбирларини режалаштириш, иқтисодиёт тармоқлари, кўп қаватли уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларида юзага келган фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этишда назарий ва амалий кўникмаларини ҳосил қилиш, реал вазиятда юзага келган фавқулодда вазиятда ҳаракатланишни такомиллаштириш, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бошқарув компанияларининг, сектор, округ раҳбарларининг ва бириктирилган вазирлик, идораларнинг, коммунал соҳа хизматларининг асосий вазифалари тушунтирилди.

Кўмондонлик-штаб ўқув машқининг I босқичи Юнусобод тумани ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари томонидан туман фуқаро муҳофазаси хизматлари, туман ҳокими ва унинг барча соҳалар бўйича ўринбосарлари, сектор, округ раҳбарларига, ХУЖМШ-лар, бошқарув компаниялари, маҳалла фуқаролар йиғини раисларига, корхона, ташкилот ва иқтисодиёт объектлари, олий ўқув юртлири, коллеж, лицей, мактаб, мактабгача таълим ва тиббиёт муассасалари раҳбарларига кўмондонлик-штаб ўқув машқи давомида бериладиган топшириқлар (сигналлар) асосида қарорлар қабул қилиш ҳамда куч ва воситаларнинг ҳаракатларини бошқариш юзасидан аниқ вазифалар юкланди. Йиғилишда фуқаро муҳофазаси хизматлари бошлиқларининг соҳа йўналишлари бўйича билимлари, турли вазиятларда тўғри қарор қабул қилиши, иқтисодиёт объектлари ва кўп қаватли уй-жой фондининг фавқулодда вазиятларда барқарор фаолият кўрсатиши масалалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, туман Фуқаро муҳофазаси бошлиги томонидан куз-қиш мавсумида кўп қаватли уй-жой фонди ва ижтимоий объектларда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда бир меъёрда фаолият кўрсатишни таъминлаш мақсадида вазифалар белгиланди.

Туман ҳудудида жойлашган 8-автобус саройида туман фуқаро муҳофазаси хизматларининг, иқтисодиёт объектларининг махсус ва оғир муҳандислик техникаларидан иборат куч ва воситаларнинг саф кўриги ўтказилди. Саф кўригида жами 57 та махсус ва оғир муҳандислик техникалари, 133 нафар фуқаро муҳофазаси тузилмалари, авария-тиклаш гуруҳлари иштирок этди.

Кўмондонлик-штаб ўқув машқининг II ва III босқичлари Юнусобод тумани ҳокимлигининг мажлислар залида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиги раҳбарлигида ўтказилиб, ҚШУМнинг биринчи кунда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, аниқланган камчиликлар, уларнинг ечими ва бартараф этиш чоралари, шунингдек, тунги текширув натижаларига тўхталиб ўтилди.

Маҳаллалардаги йирик камчиликлар аниқланган 24 та ҳолатдан уларнинг томини таъмирлаш, ертўла қисмидаги носозликларни бартараф этиш, аҳоли ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган қуриган ва авария ҳолатидаги дарахтларни кесиш, ирригация лотокларини тозалаш ёки таъмирлаш сингари мезонлар асосида фаолият олиб борилади. Ташхил натижаларига кўра, 3 кун ичида 24 та ҳолатдан 23 таси, яъни 95,9 фоизга бажарилганлиги, бу туман бошқарув органлари ва иқтисодиёт тармоқлари, кўп қаватли уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлашга масъул идораларнинг тайёргилигини кўрсатмоқда.

Юнусобод туманидаги корхона, ташкилот, иқтисодиёт объектлари, олий ўқув юртлири, коллеж, лицей, мактаб, мактабгача таълим ва тиббиёт муассасаларида ташкил этилган туну кунлик навбатчилик, қиш мавсумида барқарор тайёргарлик ҳолатини ўрганиш мақсадида уч кун ичида жами 127 та объектларда тунги текширувлар ўтказилиб, ўрганиш натижаларига кўра, жами 51 та камчиликлар аниқланди, улардан асосийлари бартараф этилди.

Олиб борилган назорат ва профилактик ишлар натижасида 51 та камчиликлар ниҳоясига етказилди, 8 нафар масъул навбатчиларга интизомий таъсир чоралари кўрилиб, юқоридаги ҳолатларга ўхшаш ҳолатларга йўл қўймаслик чоралари назоратга олинди.

Тадбирнинг сўнги босқичида кўмондонлик штаб ўқув машқи аяқлари бўйича яқуний йиғилишда амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар ҳамда келгусида бажарилиши лозим бўлган ишлар муҳокама қилинди.

Азамат СҮЙОНОВ, Масрур САНАЕВ

Учинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол: Тошкент шаҳрида нечта лицей ва коллеж борлигини биласизми?

Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиклол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўрғига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга очаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инobatта олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми»

«Вечерний Ташкент» газеталари тахририяти «Сиз Тошкентни биласизми?» викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб голиб саналади.


Ҳар ўнта саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган голиб аниқланади.

Голибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мулқ голиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари тахририятига ёки gazeta-vto@mail.uz, info@tashkent.uz электрон манзиллари-га йўлланиши лозим.

Мурожаат учун телефонлар: 233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.



КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ — БЕБАҲО ҚАДРИЯТИМИЗ

Ёшмисан, кексани сен хурмат айла.

Ўзинг ҳам қарийсан, ҳозирдан ўйла

Кексага кўмак бер — суянган тоғинг,

Буни тушунарсан қариган чоғинг.

Кексаларни этсанг азизу хурмат, сени ҳам кексайгач этишар иззат.

Қариган чоғида ҳам қалб меҳри ва ҳароратини сўндирмай ёшлигини сақлаб қолган одам бахтиёрдир.

Кексаларни хурмат қил, бир куни вақти келиб ўзинг ҳам шундай қартаясан.

Ёшлиқда нима эксанг, қариганингда шуни ўрасан.

Кексалар ўргатиш, маслаҳат бериш ҳуқуқига эгадирлар. Ана шу маънавий ҳуқуқни хурмат қила бил.

Ёшлиқдаги ғайрат — кексаликдаги роҳат.

Кексалик донолик билан уйғунлашиб кетса, азим дарё бўлиб элга хизмат қилади.

Яхши қариялар бор жойда одобли ёшлар етишиб чиқади, улар йўлчи юлдуздек нур сочиб туради.

Умрнинг ҳар бир палласи, айниқса, кексалик ибрат.

Қариси бор уйнинг зари бор.

Қари уйнинг фариштаси, Саранжому сариштаси.

Кексаликни донолик безар, Ёшликни — камтарлик.

Кўпни кўрган кўп ҳикмат билар.

Стол тенниси

СПОРТЧИЛАРИМИЗ МАҲОРАТИ

Стол тенниси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 2015 йилги нуфузли мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида навбатдаги ўқув-машғулот йиғинини Молдовада ўтказмоқда.

Йиғин давомида спортчиларимиз халқаро турнирда иштирок этди. 12 давлатдан 350 нафардан ортиқ спортчи қатнашган мазкур мусобақада ҳамюртларимиз 3 олтин, 2 кумуш ва 2 бронза медалини кўлга киритди.

15 ёшдан катта бўлган стол теннисчилар ўртасида Қутбило Тешабоев, Римма Гуфра-

нова ҳамда Фотима Ҳайитбоева барча рақибини енгиб, олтин медални кўлга киритган бўлса, Геннадий Левченко ва Ислам Султонов кумуш медал билан тақдирланди. Меҳрош Шамситдинов ҳамда Ольга Ким бронза медалга сазовор бўлди.

(ЎЗА)

Латвия пойтахти Рига шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди. Ўзбекистон, Латвия, Литва, Эстония, Швеция, АҚШ, Россия ва Беларусь давлатлари спортчилари иштирокида ўтказилган мусобақада ҳамюртларимиз иккитадан олтин, кумуш ва бронза — жами олти медални кўлга киритди.

Кураш

ПОЛВОНЛАРИМИЗНИНГ ЛАТВИЯДАГИ ҒАЛАБАСИ

Турнирнинг вазни 55 килограммгача бўлган полвонлар ўртасидаги баҳсларида иккитадан олтин, кумуш ва бронза медални топилмади. 59 килограмм оғирликдаги полвонлар беллашувида Қамариддин Зайниддинов шох-

супанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ўз вазн тоифасида Жавоҳир Мираҳмедов ва Мирзабек Раҳматов иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Бахтиёр Исоқов ва Мирзохид Турсунов бронза медал билан тақдирланди.

Мутахассис маслаҳати

БОТУЛИЗМДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Ботулизм — нисбатан кам учрайдиган, асаб тизимининг шикастланиши билан кечадиган оғир заҳарланишдир. Бу касаллик одатда ўйнаб-кулиб юрган соппа-соғ кишиларда тўсатдан пайдо бўлади. Кўп ҳолларда оилавий тантаналар вақтида байрамона таомлар тортилган жойларда содир бўлиши кузатишган.

Сиртдан қараганда мутлақо безарар, сифатли бўлиб кўринган маҳсулотлар кишининг ўлимига олиб келувчи оғир касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Санитария-гигиена талаблари қанчалар қатъий риоя қилмасдан, уй шароитида нардан-бери тайёрланган маҳсулотлар таом учун ишлатиб, истеъмол қилинганидан кейин кўпинча ботулизм, яъни овқатдан заҳарланиш касаллиги юзага келади. Мана шу оғир касалликни чакирувчи микроб номи тиббиётда клостридий ботулиним деб аталади. Ушбу микроб табиатда кенг тарқалган. Унинг туپроқ, сув таркибида, сабзавот ва ҳўл меваларда, балиқлар таркибида споралар шаклида мавжуд бўлишини кузатиш мумкин.

Ботулизмнинг туپроқда кенг тарқалганлиги ушбу микробларнинг сабзавотларга, ҳўл меваларга тушишига сабаб бўлади. Шунингдек, турли озиқ-овқат маҳсулотлари, консерва, колбаса, дудланган балиқ каби маҳсулотларни тайёрлаш учун мўлжалланган хомашё таркибига тушган микробларнинг уруғланиб кўпайиб кетишига олиб келади. Ботулизм касалини кўзгатувчи микроблар кислород бўлмаган жойларда ҳам яшаб кўпайиб кета олади. Шунинг учун ҳам хомашёга тушган микроблар споралар шаклида ўсиб кўпаяди ҳамда балиқ, ветчина, колбасаларнинг катта-катта кесилган

бўлаклари ичида ёхуд герметик йўл билан қопқоғи қаттиқ ёпилган консерва банкалари ичида ўлимга сабаб бўладиган токсин (заҳар) ҳосил қилади. Шунинг билан бирга, ботулизм касаллигини кўзгатадиган споралар жуда яшовчан бўлиб, жисмоний ва кимёвий омиллар таъсирига ҳам чидамли бўлади. Масалан, беш соат мобайнида қайнатсангиз ҳам улар ҳалок бўлмайди. Споралар жуда паст ҳарорат — совуқ таъсирига ҳам чидамли бўлиб, улар минус 190° С совуқда ҳам яшайверади. Споралар ош тузининг анча кўп миқдордаги концентрацияси — намакоб ичига тушганда ҳам ҳалок бўлмайди.

Шу муносабат билан sanoatда ҳам, уй шароитида ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш вақтида ботулизм профилактикасига риоя қилиш зарур. У бир қанча тадбирлар мажмуини ўз ичига олади. Бу тадбирларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

Уй шароитида гўшт, балиқ, кўзичорин, кўкатлар, (укроп, кашнич, шовул ва бошқалар) дан банкани консервалар тайёрлаш мумкин эмас.

Уй шароитида тайёрланган банкани консерваларни бозорларда сотиш қатъиян ман этилади.

Сабзавотлар (бодринг, помидор, баклажон ва бошқалар) дан мутахассис тақлиф этган рецептларга қатъий амал қилган ҳолда, уларга

маълум миқдорда албатта уксус (сирка) кислотаси қўшиб консерва тайёрлаш мумкин.

Туриб қолган, ириган-чириган сабзавотлар ва ҳўл мевалардан консерва тайёрлашга йўл қўйиб бўлмайди. Консерва учун ҳар хил мева ва сабзавотлардан ажратиб, уларга ишлов берилмаётган вақтда тозаликка қаттиқ риоя этиш керак.

Уй шароитида консерва тайёрланаётганда банкаларга, қопқоқларга ишлов бериш қоидаларига ҳамда тавсия этилган иссиқлик режимида қатъий амал қилиш лозим.

Уй шароитида тайёрланган консервалар 0-3 даражадаги салқин бўлган жойларда сақланиши шарт. Оғзи нотўғри ёпилган ва бузилган (қопқоғи шишиб, кўтарилиб қолган) банкалардаги маҳсулот йўқ қилиб ташланиши керак.

Уй шароитида тайёрланган консерваларни истеъмол қилишдан олдин уларни яхшилаб қиздириб, қайнатиб олиш тавсия этилади (бунда ҳар хил сабзавотлардан тайёрланган икралар, қовурмалар, компот ва бошқалар назарда тутилади).

Балиқ, колбаса сингари маҳсулотларнинг уй шароитида дудланган турлари масаласида — бозордаги харидор ўша маҳсулотларни сифати текширилганлиги ва сотишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат — сертификатни сотувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлигини билиши лозим. Башарти сертификат бўлмаса ҳам ўша маҳсулотларни сотиб олаверсангиз сиз ўзингизни ва яқин кишиларингизни оғир хасталик — ботулизм касаллиги билан оғриб қолиш хавфига дучор қиласиз.

Шухрат ЮСУПОВ, Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг бўлим бошлиғи

Қатрлар

МЕРОС

— Биласанми, мен ўғлимга қандай мерос қолдиришман?! — мақтанди қинғир йўл билан пул топувчи одам шеригига.

— Айтақол.

— Қасрмисан-қаср иморат. Сен нима қолдирисан?

— Мен ўғлимга одобдан мерос қолдиришман, — дебди тўғрилик билан пул топувчи шериги.

— Шу ҳам меросми? — дебди уни менсимай пулдор.

Мероснинг қай бири улуғлигини йиллар ўз синидадан ўтказибди. Пулдорнинг ўғлида меҳр, андиша йўқлигидан қаср, чиройли уйидаги жанжал, тўполондан омади кетибди. Қаровсиз қолган уй нураб тушаётгандек. Унда на файз бор, на барака!

Хулқи уш ўғилнинг оддийгина уйда эса ҳалол меҳнат ва тинчликдан борган сари фаровонлик.

Оталарнинг фарзандларига қолдирган одоб мероси олтиндан ҳам зиёдадир.

ҲАМИЯТЛИ БЎЛМАСА БЕКОР

Эркатой ниҳол ўз тенгилари қатори деҳқон ва ер меҳридан тўйиб-тўйиб баҳра олди. Ҳосилдан-чи, дарақ йўқ.

— Эссиз, сенга кетган куч, харажатлар, — деди унга ниҳоллардан бири.

Эркатой жим.

Сенга сарф бўлган маҳаллий йўқ, дорилар менга бўлганда эди. Ҳозирги ҳосилим икки баравар ошди бўлармиди?! — алам билан деди яна бири.

— Қанча гапирсангиз ҳам унга бекор, — деди шифа-шиға ҳосилли бир ниҳол. — Қонда қилча ҳамияти йўқ, — уруги ярамас бўлса ундан нимани кутардик!

ИККИ ХИЛ ҚУРТ

Кесилган тут баргига яшириниб, қуртхонага кирган оддий қурт ипак қуртига шундай дардини ёзди:

— Сен доим эъоздасан, сўридаги шохона сулада авайлаб боқишади. Менгачи, оёқ остида ҳам кун йўқ.

— Мен ҳар тановулда юртнинг бахтини, асл кийимини ўйлайман. Шу йўлда жонни фидо қиламан. Сенчи, фақат ўзим бўлай дейсан. Шунинг учун эл сендан ҳазар қилади. Бекорга келибсан-да, ҳозир сени эзгилаб ташлашади.

Фани АБДУЛЛАЕВ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Ўзгидромет 15-17 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиغا Тошкент шаҳрида кўра, 7 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишда шамол эсади. ишга имконият яратади, Ҳарорат кечаси — 3-5 ифлосланиш даражаси даража илиқ, кундузи — паст бўлади.